

Оғир мусибат



01:02 / 07.02.2023 3154

Аллоҳ таолонинг иродаси ила Туркияда юз берган зилзила ва унинг оқибатлари биз мусулмонларни маҳзун қилди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шаҳидлар бештадир: вабода ўлган, қорин касаллиги билан ўлган, сувга ғарқ бўлиб ўлган, қулаган нарсанинг остида қолиб ўлган ва Аллоҳнинг йўлида шаҳид бўлганлар», дедилар. *Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.*

Ушбу ҳадисда тўртта ҳукман шаҳид ва битта ҳақиқий шаҳид баён этилиб, ҳукман шаҳидлар қаторида қулаган нарсанинг остида қолиб ўлган ҳам зикр этилмоқда.

Аллоҳ таолонинг иродаси ила Туркияда юз берган зилзила сабабли ҳалок бўлган диндошларимизни Аллоҳнинг Ўзи шаҳидлар қаторида қилсин.

Роббимиз зилзила туфайли жароҳатланган бандаларига комил ва ожил шифо ато этсин.

Аллоҳ таоло бошпанасиз қолганларни паноҳида асрасин.

Мусибатга учраган барчага сабр, сабрга зиёда ажр ато айласин.

Аллоҳ таоло диндошларимиз истиқомат қилаётган кўп юртлар қатори Туркияни офияти ила ризқлантирсин.

Роббимиз юртимизни тинч айлаб, сув, ўт, zilзила ва бошқа офатлардан Ўзи асрасин.